

98 -СОНЛИ ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 5 июль

Наманган шаҳри

I. Шартнома бўйича тарафлар

1.1. Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси номидан бошлиқ **Р.И.Исраилов** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) ва Янги Наманган туман Маънавият МФЙда жойлашган “**NAMSTUDY**” НТМ номли нодавлат таълим ташкилоти раҳбар **Т.Каримовлар** (кейинги ўринларда Ижрочи деб аталади) мазкур шартнома бўйича тарафлар ҳисобланади.

1.2. Мазкур шартнома икки асл нусхада давлат тилида тузилди. Унинг бир асл нусхаси Буюртмачида, бир асл нусхаси эса Ижрочида сақланади.

II. Шартнома предмети

2.1. Ушбу шартномага асосан Ижрочи Буюртмачи томонидан тақдим қилган ҳудуддаги Наманган шаҳар 14-умумтаълим мактабида белгиланган тартибда ўқув курсларини олиб боради, Буюртмачи эса бажарилган иш учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича муддатлар

3.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи томонидан ишни бажариш 2022 йил 30 майдан 2022 йил 31 декабргача ҳисобланади.

3.2. Мазкур шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

IV. Шартнома баҳоси

4.1. Ижрочиға бажараётган ишлари учун 5000000 (Беш миллион) сўм ойлик ҳақ тўланади.

V. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

а) ўқув курслари учун юқори малакали, халқаро тан олинган, энг камида 6 (олти) даражадаги IELTS (ёки унга тенглаштирилган) сертификатга эга бўлган ўқитувчиларни жалб этиш;

б) курсларга жалб этилган ўқувчиларни ўқув курси якунига кўра камида 50 фоизи 5,5 (беш ярим) даражадаги IELTS (ёки унга тенглаштирилган) сертификатга эга бўлишини таъминлаш;

в) ўқув курсларини олиб боришда хорижий тажрибаларга асосланган, давлат таълим стандартларига мувофиқ бўлган ўқув дастурларидан фойдаланиш;

г) ўқув курсларини сифатли ташкил қилиш учун, етарли даражада ўқув адабиётлари билан таъминлаш;

д) ўқув курсларига жалб қилинган ўқувчиларининг ота-оналари (ёки қонуний вакиллари) ҳамда ўқувчи таълим олувчи мактаб директори билан ўзаро қонуний ҳатти-ҳаракатлар ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш бўйича белгиланган наъмунадаги ўзаро келишув шартномасини тузиш ва имзолаш;

е) ўқув машғулотларни белгиланган вақт, муддатларда ва сифатли ташкил этилишини таъминлаш;

ё) Буюртмачининг ишни бажариш билан боғлиқ қонуний топшириқларини бажариш;

ж) ўзига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажариш;

з) ишни бажаришда белгиланган муддатларга риоя қилиш.

5.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

а) бажарилаётган иш бўйича Буюртмачидан ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур маълумотларни олиш, шунингдек берилган ваколатлар доирасидаги фаолияти билан боғлиқ материаллар билан танишиш;

б) бажарилаётган ишнинг хусусиятига кўра Буюртмачига тегишли таклифлар бериш;

в) ҳар янги ойнинг бошида тугалланган ой учун, масъул қилиб белгиланган ўқитувчининг ишга келиш қайдномаси (табель)га асосан шартноманинг 4.1-бандида белгиланган миқдорда ҳақ олиш;

г) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай шароитларда иш бажариш.

5.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) Ижрочига ишни бажариш учун зарур, жумладан хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай шарт-шароитларни яратиб бериш;

б) Ижрочига бажарилаётган иш бўйича зарур маълумотларни тақдим этиш, шунингдек юклатилган вазифасини сифатли бажариши учун унга ҳужжатлар билан танишиш имконини бериш;

в) бажарилаётган иш учун ҳар янги ойнинг бошида тугалланган ой учун, масъул қилиб белгиланган ўқув маркази ўқитувчининг ишга келиш қайдномаси (табель)га асосан шартноманинг 4.1-бандида белгиланган миқдорда ҳақ тўлаш.

5.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

а) Ижрочига ишни бажариш билан боғлиқ топшириқлар ва кўрсатмалар бериш;

б) Ижрочидан ишни лозим даражада бажаришни талаб қилиш;

в) Ижрочи ва масъул қилиб белгиланган мактаб директоридан ўқувчиларнинг давомати ҳамда керакли бўлган маълумотларни сўраб олиш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўзларига юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

VII. Шартномага ўзгартириш киритиш ва уни бекор қилиш

7.1. Мазкур шартнома тарафлар ўртасидаги кўшимча келишувга мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартномага киритилган ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.2. Мазкур шартномага ўзгартириш киритиш ҳақидаги тарафларнинг кўшимча келишуви иккита асл нусхада давлат тилида тузилади.

7.3. Мазкур шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

VIII. Низоларни ҳал этиш

8.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

8.2. Агар тарафлар ўртасида низолар ўзаро ҳал этилмаган тақдирда, низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилинади.

IX. Тарафларнинг реквизитлари

Буюртмачи:

Наманган вилояти халқ таълими
бошқармаси

Манзил: Наманган вилояти,
Наманган шаҳри, Давлатобод
тумани, 3-кичик ноҳия, Дўстлик шох
кўчаси.

Телефон: (69) 232-61-15

СТИР – 200056866

ОКОНХ – 84112

Х/р: 23402000300100001010

Марказ банк Тошкент шаҳар ХККМ

Ўзбекистон Республикаси молия

вазирлиги газначилиги


Ш/в: 100021860144017092100075005

Бошлик

Р.Исраилов

(М.ў.)

2022 йил

Ўзбекистон Республикаси
Министрлар Кабинети
Рахбар  Р. Эргашев

Ижрочи:

“NAMSTUDY”НТМ

Манзил: Янги Наманган туман
Маънавият МФЙ

Телефон: 99-515-85-15

СТИР 309062716

Банк номи: Трансбанк Наманган
бўлими

Х/р: 2001 2000 3054 7322 2001

ИФО: 01060

Рахбар:

NAMSTUDY

Т.Каримов



МУХОКАМА АХБОРОТИ

5 июль 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган халқ таълими бошқармаси томонидан 2022 йил 22 июндаги 22110012111332 - сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган шаҳар 14-умумтаълим мактабида Инглиз тили ўқув курси ташкил этиш товар учун (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «NAMSTUDY» НТМ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди.Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.



Ташкилот раҳбари:

Бош ҳисобчи:

Р.Исраилов

А.Хамралиев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 111332 на приобретение Наманган шаҳар ХТБга қарашли 14-мактабда инглиз тилидан ўқув курси ташкил этиш

Способ проведения электронный

Дата 30.06.2022

Время рассмотрения 30.06.2022 19:59

Конкурсная комиссия Вилоят халк таълими бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ISRAILOV RUSTAMBEK IBRAGIMOVICH	Бошқарма бошлиғи	Наманган вилоят ВХТБ
Секретарь комиссии	XAMRALIYEV ADXAMJON ABDUG'OFFOROVICH	Бош хисобчи	Наманган вилоят ВХТБ
Член комиссии	QIRG'IZOV TOHIRJON FOZILJONOVICH	Бошқарма бошлиғининг ўринбосари	Наманган вилоят ВХТБ
Член комиссии	TURSUNOV DONIYOR BAHTIYOROVICH	Касаба уюшма раиси	Наманган вилоят ВХТБ
Член комиссии	ISAYEV MUZAFFAR KAXRAMONOVICH	Бошқарма бошлиғининг 1- ўринбосари	Наманган вилоят ВХТБ
Член комиссии	NASRITDINOV MUXAMMADJON XABIBULLAYEVICH	Чет тили методисти	Наманган вилоят ВХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.06.2022 года № лота 111332.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по обучению на коррективных курсах, предоставляемые учебными центрами
Подробное описание	Ўқув курси
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	5 000 000.00
Стартовая сумма	5 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Хорижий тиллардаги (инглиз тили) курсини ташкиллаштириш буйича (мактабда мавжуд хонани укув соатларида кабул килиб олиш ва топшириш, оргтехника ва укув адабиётлар ва таркатма материаллар ва хоказо билан таъминлаш) график.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хорижий тиллардаги (инглиз тили) курсини ташкиллаштириш буйича (мактабда мавжуд хонани укув соатларида кабул килиб олиш ва топшириш, оргтехника ва укув адабиётлар ва таркатма материаллар ва хоказо билан таъминлаш) график.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMSTUDY NTM	15	0	15	Экспертная		
OOO IMKONTA`LIM	15	0	15	Экспертная		

Критерий №2 Укув маркази томонидан томонидан хорижий тиллардаги (инглиз тили) курсини ташкил этиш режаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Укув маркази томонидан томонидан хорижий тиллардаги (инглиз тили) курсини ташкил этиш режаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMSTUDY NTM	10	0	10	Экспертная		
OOO IMKONTA`LIM	10	0	10	Экспертная		

Критерий №3 Техник шарт буйича ташкил этиладиган укув курслари ташкил этишга керак буладиган (оргтехника ва укув адабиётлар ва таркатма материалар ва хокосо) моддии кийматликлар балансида мавжудлиги тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Техник шарт буйича ташкил этиладиган укув курслари ташкил этишга керак буладиган (оргтехника ва укув адабиётлар ва таркатма материалар ва хокосо) моддии кийматликлар балансида мавжудлиги тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMSTUDY NTM	15	0	15	Экспертная		
OOO IMKONTA`LIM	15	0	15	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирокчилари Узбекистан Республикаси конунчилигида кузда тutilган техника хавсизлиги ва мехнат кодекси коидаларига амал килиши лозим . (Кафолат хати)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирокчилари Узбекистан Республикаси конунчилигида кузда тutilган техника хавсизлиги ва мехнат кодекси коидаларига амал килиши лозим . (Кафолат хати)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMSTUDY NTM	10	0	10	Экспертная		
OOO IMKONTA`LIM	10	0	10	Экспертная		

Критерий №5 Укув марказида укув курслари учун юкори малакали, халкаро тан олинган, энг камида 6 (олти) даражадаги IF,I TS (ёки унта тенглаштирилган) сертификатга ва етарли иш тажрибасига эга булган уkitувчилар тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Укув марказида укув курслари учун юкори малакали, халкаро тан олинган, энг камида 6 (олти) даражадаги IF,I TS (ёки унта тенглаштирилган) сертификатга ва етарли иш тажрибасига эга булган уkitувчилар тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMSTUDY NTM	25	0	15	Экспертная		
ООО ИМКОНТА`ЛИМ	25	0	10	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчиси сифатида Укув маркази мазкур техник топширикка мувофик лицензияга эга эканлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси сифатида Укув маркази мазкур техник топширикка мувофик лицензияга эга эканлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMSTUDY NTM	15	0	15	Экспертная		
ООО ИМКОНТА`ЛИМ	15	0	15	Экспертная		

Критерий №7 Молиявий холати ва техник шартга мувофик укув маркази фаслиятини йулга куйиш учун етарли айланма маблагга эгапиги тугрисида маълумот (Банк маълумотномаси)

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий холати ва техник шартга мувофик укув маркази фаслиятини йулга куйиш учун етарли айланма маблагга эгапиги тугрисида маълумот (Банк маълумотномаси)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMSTUDY NTM	10	0	5	Экспертная		
ООО ИМКОНТА`ЛИМ	10	0	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NAMSTUDY NTM	5 000 000.00	5 000 000.00	28.06.2022 19:18:04	10.00
ООО ИМКОНТА`ЛИМ	5 000 000.00	5 000 000.00	29.06.2022 14:13:30	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
NAMSTUDY NTM	76.5	10	86.5
ООО ИМКОНТА`ЛИМ	72	10	82

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 111332 от 30.06.2022 года на приобретение Наманган шахар ХТБга қарашли 14-мактабда инглиз тилидан ўқув курси ташкил этиш определила победителем:

NAMSTUDY NTM
309062716

и резервный исполнитель: ООО ИМКОНТА`ЛИМ (307738436)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ISRAILOV RUSTAMBEK IBRAGIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISAYEV MUZAFFAR KAXRAMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	QIRG'IZOV TOHIRJON FOZILJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURSUNOV DONIYOR BAXTIYOROVICH	Согласен	
Член комиссии	NASRITDINOV MUXAMMADJON XABIBULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП